

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг фазилатлари



15:31 / 18.04.2025 2064

«Жаннат аҳлидан бўлган кишига қараш кимни қувонтирса, Урва ибн Зубайрга қарасин»

Абдулмалик ибн Марвон.

Урва ибн Зубайр ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалиklarидан бир йил қолганида, мусулмон оилалар орасида энг ҳурматли ва олий мақом хонадонда таваллуд топди. Оталари Зубайр ибн Аввом (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фидоий саҳобаларидан, жаннат башорати берилган ўнта саҳобанинг бири эди. Оналари эса Асмо бинти Абу Бакр «зун нитоқайн - икки белбоғ соҳибаси» (Ҳижрат куни белбоғини иккига бўлиб, бири билан Расулуллоҳ соллаллоҳу

васаламнинг егулик идишларини, бошқаси билан сув идишларини боғлагани учун шундай шарафга эришган) эди. Она тарафдан боболари Абу Бакр Сиддиқ (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг халифалари ва ғордаги ҳамроҳлари бўлган эди. Ота тарафдан момолари София бинти Абдулмутталиб Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг аммалари ва мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо у кишининг холасидир. Оиша онамиз (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) вафот этганларида Урва ибн Зубайр ўзлари қабрга тушиб, лаҳадга қўйган. Иймон шарафи ва Исломи иззатидан бошқа, мана шундай насабдан кўра олий насаб ва шундай шарафдан кўра буюк шараф бормикин?

Каъбаи Муаззама олдида акалари ва ҳамроҳлари билан яхши орзуга эришишни танлаш хаёл қилинганда, Урва ибн Зубайр мен Раббимдан амал қилувчи олим бўлишни орзу қиламан. Мендан одамлар Аллоҳнинг Китобини, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ва Исломи дини аҳкомларини ўргансалар, деди. Шу қилган орзусини рўёбга чиқариш учун Урва ибн Зубайр илми таҳсилига бел боғлаб, қаттиқ киришди. Ҳаёт бўлган саҳобаларни ғанимат билиб, уларнинг уйларига қатнаб, орқаларида тоат-ибодат қилиб, илми мажлисларида доимий иштирок этди. У Али ибн Абу Толиб, Абдурраҳмон ибн Авф, Зайд ибн Собит, Абу Айюб Ансорий, Усома ибн Зайд, Саъид ибн Зайд, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Нўъмон ибн Башир (Аллоҳ у кишилардан рози бўлсин) дан ҳадислар ривоят қилди. Аксар илмини холаси Оиша розияллоҳу анҳодан олди ва одамлар уларга дин ишларида суянадиган, солиҳ ҳокимлар эса ўзлари масъул бўлган халқлар ва шаҳарлар масаласида улардан ёрдам истайдиган, Мадинанинг ўша даврда кўзга кўринган фақиҳларидан бири бўлиб етишди. Бунинг далили ўлароқ, Умар ибн Абдулазиз Валид ибн Абдулмалик тарафидан Мадинага волий этиб тайинланганида, одамлар қутлаш учун унинг ҳузурига келдилар. Пешин намозини ўқиб бўлгач, Мадина уламоларидан ўн кишини таклиф қилди. Таклиф қилинган олимларнинг пешқадами эса Урва ибн Зубайр эди.

Умар ибн Абдулазиз уламоларни яхши кутиб олиб, уларга иззат-икром кўрсатгач, Аллоҳга ҳамду сано айтиб шундай деди: «Менга ҳақ устида ёрдамчи бўладиган ва ажр-савобга ҳам эга бўлиб қоладиган бир иш учун сизларни таклиф қилдим. Мен ҳар бир ишни сизларнинг фикрингиз ва маслаҳатингиз билангина қилмоқчиман. Сизлардан илтимосим шуки, агар бирон кимсани бошқа бировга зулм қилаётганини кўрсангиз ёки менинг ходимларим ҳаддан ошиб, зулмга қўл ургани сизларга етса, шуни менга

хабар берсангиз!». Бу гапларни эшитгач, Урва ибн Зубайр унинг хаққига дуои хайрлар қилиб, Аллоҳдан унга хақда собит туриши ва рушди хидоят тилаб қолди.

Урва ибн Зубайр илм билан амални жамлаган эди. У иссиқ кунларда рўзадор, узун тунларда бедор, тили эса доим Аллоҳнинг зикри билан машғул эди. Бунга қўшимча, у Аллоҳнинг Китобига ҳамроҳ бўлиб олган, Қуръон ўқишга шундай берилган эдики, кундузлари Қуръоннинг тўртдан бирини мусхафга қараб, тунлари шунча қисмини ёддан тиловат қилар, эътиборли жиҳати шуки, имкон қадар мана шу одатини у ёшлигидан бошлаб то вафот топгунга қадар тарк қилмаган, фақат бир марта бошига тушган мусибат сабабигина қолдирган эди.

Урва ибн Зубайр саховатда ҳам пешқадам бўлиб, бағрикенг ва ниҳоятда қўли очиқ инсон эди. Сахийлиги хақидаги ривоятлардан бири шуки: «Унинг Мадинадаги энг катта боғлардан ҳисобланган бир боғи бор эди. Боғнинг ичи салқин, суви ширин, хурмо дарахтлари баланд ва мевалари серҳосил эди.

Ҳайвонлар ва ёш болалар кириб дарахтларга шикаст етказмаслиги учун йил давомида боғнинг атрофини девор билан ўраб ҳимоя қилар, қачонки хурмолар иштаҳани очадиган тарзда фарқ пишганда одамлар бемалол кириб тўйгунларича еб ва хоҳлаганларича олиб кетишлари учун, боғнинг бир неча тарафидан дарча очиб қўярди. Қачон боғига кирса Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини қайта-қайта ўқир эди: «Сен боғингга кирганигда: «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир», деганинда эди! ...» (Каҳф сураси, 39-оят).

Валид ибн Абдулмаликнинг халифалик даврида Аллоҳ таоло Урва ибн Зубайрни иймон ва ишонч билан суғорилган қалб эгаларигина чидай оладиган имтиҳон билан синашни хоҳлади.

Мусулмонлар халифаси Урва ибн Зубайрни Дамашққа келиб, меҳмон бўлиб кетишга таклиф қилди. Таклифни қабул қилган Урва ибн Зубайрга катта ўғли ҳамроҳ бўлди. Дамашққа етиб келишганда халифа уларни чиройли кутиб олди, уларга иззат-икром кўрсатиб, ҳурматларини жойига қўйди. Сўнг кўнгиллар истамайдиган бир иш бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилди. Аввал Урва ибн Зубайрнинг ўғли халифанинг зотли отларини кўриш учун отхонага кирганида, отлардан бирининг тўсатдан тепиб юбориши натижасида ўша ерда вафот этди. Мусибатзада ота ўғлини тупроққа қўйиши кетидан, ўзи ҳам қорасон касали билан оғриб қолди. Болдири

шишиб, оғриқ ҳам кундан-кун кучая борди. Халифа ҳар тарафлардан табиблар чақириб, азиз меҳмонини даволаши учун, турли воситалар билан уларни рағбатлантирди. Лекин барча табиблар: «Касаллик жасаднинг ҳаммасига тарқаб, ҳалокатга олиб бормасидан аввал, оёқни кесиш керак», деган яқдил хулоса билдирдилар. Бунга кўнишдан бошқа чора йўқ эди. Жарроҳ келиб оёқни кесиш учун анжомларини ҳозирлаб, оёқни кесгунига қадар Урва ибн Зубайр такбир ва таҳлил айтишдан тўхтамади ва ниҳоят оёқ жасаддан ажралди. Қонни тўхтатиш ва газак олмай яра тез битиши учун қиздириб турилган ёғга ботирилганда Урва ҳушидан кетиб, узоқ вақт беҳуш бўлиб ётди. Ана шундагина юқорида айтганимиз, Қуръони Каримдан ўқийдиган кундалик одатини ўқий олмади. Ёшлигидан бошлаган бу хайрли одатини, мана шунда бир мартагина тарк қилди.

Урва ибн Зубайр Мадинага қайтиб, оиласи ҳузурига кирганида уларга: «Эй аҳлим қайғурманглар, Аллоҳ таоло бизга тўрт фарзанд берган эди, биттасини олиб, учтасини ўзимизда қолдирди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Менга икки қўл ва икки оёқ берган эди, биттасини олиб учтасини ўзимда қолдирди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳ мендан озини олиб, кўпини ўзимда қолдирди. Бир марта балолаган бўлса, кўп марта офият берди», деб уларга тасалли берди. Мадина аҳли ўз имомлари ва олимлари Урва ибн Зубайрнинг қайтганларини билгач, у зотга таъзия билдириш ва ҳол-аҳвол сўраш учун ҳар тарафдан кела бошладилар. Таъзия билдирганлар ичида энг чиройли ва таъсирли сўз Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳанинг сўзи бўлди: «Хурсанд бўлинг, эй Абу Абдуллоҳ, аъзоларингиз ва фарзандларингиздан бири, сиздан аввал жаннатга кетди. Аллоҳ хоҳласа барчангиз бир-бирларингизга эргашасиз. Аллоҳ таоло бизларга биз муҳтож бўлган, сизнинг илмингиз ва фикрингизни қолдирди. Аллоҳ таоло илмингизни сизга ҳам бизга ҳам манфаатли қилсин. Аллоҳ ажру-савоб берувчи ва гўзал ҳисоб қилувчи Зотдир».

Урва ибн Зубайр бутун ҳаёти мобайнида мусулмонлар учун ҳидоят нури, нажотга йўллагувчи ва яхшиликларга чорловчи бўлиб қолди. Энг катта аҳамиятни болаларга, хусусан, ўзининг фарзандлари, шу билан бирга бошқа мусулмонларнинг фарзандлари тарбиясига қаратиб, ҳеч бир фурсатни қўймай, уларни тўғри йўлга йўллаб, насиҳатлар қилиб турарди.

Урва ибн Зубайр етмиш бир йил яхшилик ва эзгуликларга тўла, тақво билан бурканган умр кечирди.

Зокиржон домла саҳифасидан олинди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.